



# *СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ЎЛЧОВИ ВА ВОСИТАЛАРИ*

Проф. Хамидов М.Х.



**МАВЗУ: ТУПРОҚ СУВЛАРИ ВА УЛАРНИ  
АНИКЛАШ УСЛУБЛАРИ.**

**Проф. Хамидов М.Х.**

## **МАВЗУ: ТУПРОҚ СУВЛАРИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ УСЛУБЛАРИ.**

### **Асосий адабиётлар рўйхати**

1. Ritzema H.P. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications. Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp. 1125.
2. M.Xamidov, Sh.Ch.Botirov, B.U.Suvanov, D.G.Yulchiev “Suv resurslarini o‘lchovi va vositalari” O‘quv qo‘llanma. T., TIQXMMI bosmaxonasi, 2019. 185 bet.
3. A.Akbarov, D.Nazaraliev,F. Hikmatov. Gidrometriya. O‘quv qo‘llanma. T., TIMI bosmaxonasi, 2014й. - 144 b.
3. Xamidov M.X., Begmatov I.A., Isaev S.X., Mamatov S.A. “Suv tejamkor sug‘orish texnologiyalari” O‘quv qo‘llanma. T.:TIMI, 2015, 232 b.
4. Xamidov M.X., Begmatov I.A., Isaev S.X., Mamatov S.A. “Suv tejamkor sug‘orish texnologiyalari” O‘quv qo‘llanma. T., TIMI bosmaxonasi, 2015. 243 bet.

### **Кўшимча адабиётлар рўйхати**

1. Костяков А.Н.Основы мелиорация, М.: Сельхозгиз, 1960 г.- 604 стр.
2. Raximbaev F.M. va boshqalar. “Qishloq xo‘jaligida sug‘orish melioratsiyasi”. Darslik. T. “Mehnat”, 1994, 327 bet.
3. Рахимбаев Ф.М. «Практикум по сельскохозяйственным гидротехническим мелиорациям». Т. «Мехнат». 1991, 391 стр.
4. Ирригация Узбекистана. I-IV томы.

### **Интернет материалари**

1. <http://tiiame.uz/uz/page/ilmiy-jurnallar>  
(Ирригация ва мелиорация журнали).
2. [http://qxjurnal.uz/load/jurnal\\_2017/agro\\_ilm\\_2017](http://qxjurnal.uz/load/jurnal_2017/agro_ilm_2017)  
(Агро илм журнали).
3. [https://elibrary.ru/title\\_about.asp?id=54940](https://elibrary.ru/title_about.asp?id=54940)  
(Журнал Вопросы мелиорация)

## МАВЗУ: “ТУПРОҚ СУВЛАРИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ УСЛУБЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА МАШГУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	талабалар
	ўқитувчи	
I. Кириш босқичи (10 дақиқа).	<p><b>1.1. Ўтган дарсни эслаш мақсадида саволлар беради.</b></p> <p><b>1.2. Мавзунинг номи, мақсади, режалаштирилган ўқув машғулот натижалари ва уни ўтказиш режаси билан таниширади.</b></p> <p><b>1.3. Машғулот маъруза, тушунтириш ва намойиш шаклида ўтказилишини ва баҳолаш мезонларини маълум қилади</b></p> <p><b>1.4 Фанни ўрганиш учун адабиётлар руйхати билан таниширади.</b></p>	Саволларга жавоб берадилар Тинглайдилар, ёзиб оладилар
II. Асосий босқич (55 дақиқа).	<p><b>2.1. Мавзу бўйича маъруза ва унинг режаси, асосий тушунчалар билан таниширади.</b></p> <p><b>2.2. Маъruzani ёритувчи слайдларни Power pointда намойиш ва шарҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий билимларни баён қилади.</b></p> <p><b>2.3. Жалб қилувчи саволлар беради; мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хуносалар қилади; энг асосий тушунчаларга эътибор қаратади.</b></p>	Тинглайдилар, ёзиб борадилар, саволларга жавоб берадилар.
III. Яқуний босқич (15 дақиқа).	<p><b>3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хуносалар қилади, якун ясайди, саволларга жавоб беради.</b></p> <p><b>3.2. Талабаларга мавзу бўйича назорат саволларини эълон қилади.</b></p>	Тинглайдилар, савол берадилар, саволларга жавоб берадилар ва уйга вазифани ёзиб оладилар.

# *МАЪРУЗАНИГ РЕЖАСИ*

1. Тупроқнинг морфологик белгилари, тузилиши ва механик таркиби.
2. Тупрокда сувнинг ҳолатлари
3. Тупрокнинг нам сифимлари.
4. Тупрокнинг сув ўтказувчанлиги.

# **ТУПРОҚНИНГ МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ, ТУЗИЛИШИ ВА МЕХАНИК ТАРКИБИ**

**Тупроқ морфологияси** деганда, унинг ташки кўринишини изоҳловчи белгилар тушунилади. Уларга *тупроқ қатлами ning тузилиши ва намлиги, ранги, донадорлиги, жойлашиши, ҳар хил қўшилмалар ва янги ҳосил бўлган моддалар* киради. Тупроқниң морфологик белгилари асосан тупроқниң ҳосил бўлиш, ривожланиш хоссаларини изоҳлайди.

**Тупроқ қатлами** бир-бири билан боғлиқ бўлган ва муентазам равишда нисбатан ўзгарувчан генетик қисмлардан иборат. Тупроқниң генетик қатламлари бир-биридан ранги, донадорлиги, жойлашиши, ҳар хил қўшимча ва янги ҳосил бўлган моддаларнинг микдори билан фарқланади. Тўлик ривожланган тупроқ асосан қуйидаги генетик қатламлардан иборат: **A** — *гумусли-аккумулятив қатlam;* **B** — *иллювиаль ёки ўткинчи қатlam;* **C** — *тупроқ ҳосил бўлиш жараёнida кам ўзгарган она жинс;* **D**—*тупроқ қатлами остида жойлашган тупроқ ҳосил бўлиш жараёнida ўзгармаган она жинс.*

**Тупроқниң ранги** асосий морфологик кўрсаткичлардан ҳисобланади. С.А. Захаров бўйича тупроқ *қора, тўқ-каштан, каштан, оч-каштан, жигарранг, қизил, тўқ-қўнгир, оч-қўнгир, тўқ бўз, бўз, оч-бўз, сариқ, оқиши ва оқ рангларга бўлинади.*

# **ТУПРОҚНИНГ МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ, ТУЗИЛИШИ ВА МЕХАНИК ТАРКИБИ**

**Тупроқ донадорлиги** деганда унинг қаттиқ қисмининг макроагрегат тузилиши тушунилади. Тупроқ агрегатлари майда заррачаларнинг бир-бири билан бирлашиши (ёпишиши) натижасида (1 мм дан 10 мм гача) донадорлик шаклланади. **Донадорлик** макроагрегатларнинг катталиги ва шаклига қараб қуидагиларга бўлинади: **микродонадорлик** — заррачалар диаметри 0,25 мм дан кичик; **макродонадорлик** — заррачалар диаметри 0,25 мм дан 10 мм гача; **мегадонадорлик** — заррачалар диаметри 10 мм дан катта. **Тупроқ донадорлиги** ўзгарувчан кўрсаткич бўлиб, агротехник тадбирларни ўз вактида ва сифатли ўтказиш, дехкончилик маданиятининг ҳолати билан чамбарчас боғлиқ бўлади.



# **ТУПРОҚНИНГ МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ, ТУЗИЛИШИ ВА МЕХАНИК ТАРКИБИ**

**Тупроқнинг механик таркиби** деб, ҳар хил катталиқдаги минерал зарраларнинг бир-бираига бўлган нисбатига айтилади. Тупроқ механик таркиби асосий қисмининг 1 мм дан кичик заррачалари тупроқнинг майда заррачалари (мелкозем), 1 мм дан йирик зарралари тупроқ скелети дейилади. Тупроқ заррачаларининг микдорига қараб ажратиш механик таркибига кўра таснифи (классификацияси) дейилади. Бунда катталиги 0,01 мм бўлган заррачалар микдори асосий мезон ҳисобланади. Одатда 0,01 мм дан кичик бўлган заррачалар лойқа, 0,01 мм дан йирик бўлган заррачалар қум деб юритилади

## **Механик таркибига кўра чўл ва сахро тупроқлари таснифи**

Механик таркибига кўра тупроқ номи	Лойқа микдори, % (0,01 мм дан майдага)	Қум микдори, % (0,01 мм дан йирик)
Сочилма қум	0—5	95—100
Ёпишқоқ қум тупроқ	5—10	90—95
Қумлоқ тупроқ	10—20	80—90
Енгил қумоқ тупроқ	20—30	70—80
Ўрта қумоқ тупроқ	30—45	55—70
Оғир қумоқ тупроқ	45—60	40—55
Енгил соз тупроқ	60—70	30—40
Ўрта соз тупроқ	70—80	20—30
Оғир соз тупроқ	80 дан кўп	20 дан оз

# **ТУПРОҚДА СУВНИНГ ҲОЛАТЛАРИ**

Тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида содир бўладиган биокимёвий ўзгаришлар **сув** иштирокида амалга ошади. Ундан ташқари, ўсимликларнинг озиқланиши ва ривожланиши тупроқнинг сув билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. **Тупроқда сув қуидаги ҳолатларда бўлади:**

**Бүксимон сув** – тупроқ қатламидағи бўшилиқларда эркин ҳаракат қиласи. Буғ сернам жойдан нами оз томонга, юқори ҳароратли қатламдан паст ҳароратли қатламга, босими кўп жойдан кам босимли жойга эркин ҳаракат қиласи. Бүксимон сувни ўсимлик ўзлаштиrmайди. Аммо қуюқлашиб суюқ ҳолга ўтгандан (ҳароратнинг пасайиши натижасида конденсация ҳисобига) сўнг ўсимликка сингади. Бундай сув дехқончиликда аҳамиятга эга эмас.

**Гигроскопик сув** – кучли босим натижасида тупроқ заррачалари юзасига сингдирилган сув. Унинг миқдори тупроқнинг механик таркибига, органик модданинг миқдорига, намлик ва иссиқлик даражасига боғлиқ. Гигроскопик сув тупроқ заррачалари юзасидан жуда маҳкам ушлаб турилганлиги сабабли, уни ажратиб олиш учун тупроқни  $105\dots110^{\circ}\text{C}$  га қиздириш керак. Тупроқдаги сувнинг миқдори максимал гигроскопик сувга нисбатан икки марта кўп бўлса, ўсимлик сўлий бошлайди. Ҳар бир тупроқдаги максимал гигроскопик сувнинг икки ҳиссасига teng бўлган намлик ўсимликнинг **сўлиш коэффициенти** дейилади. Бу миқдордаги сув ўсимлик учун фойдасиз.

**Парда сув.** Тупроқ зарраси юзасидаги гигроскопик сувнинг кўпайиши натижасида пайдо бўлган юпқа сув қатламига парда сув дейилади. Бу хилдаги сув ҳам зарра юзасига жуда синган бўлиб, зарранинг марказга тортиш кучига бўйсинади. Баъзида парда сувни гидратацион ёки осмотик сув ҳам дейилади. Парда сув ўсимликка қисман сингади, лекин унинг талабини қондиролмайди.

## **ТУПРОКДА СУВНИНГ ҲОЛАТЛАРИ**

**Капилляр сув** — майда зарралар орасидаги бўшилиқни эгаллаган нозик қилсимон говакларда пастдан юқорига эркин ҳаракат этадиган сув. Капилляр сувнинг ҳаракат тезлиги зарраларнинг йириклигига боғлиқ. Зарралар қанча майда бўлса, гарчи секин ҳаракат қилса ҳам, капилляр сув шунча юқори кўтарилади. Қум тупроқларда 30—60 см, қумоқ ва соз тупроқларда 3—4 м ва ундан ҳам юқорироқ кўтарилиши мумкин. **Капилляр сув ўсимлик учун энг фойдали сувdir.**

**Гравитацион сув** — тупроқ қатламлари орқали юқоридан пастга ҳаракат этадиган сув, ўсимликка жуда осон сингади. Гравитацион сув ёғиндан ёки ўсимлик суғорилгандан сўнг кўпаяди. Тупроқда капилляр ва гравитацион сув микдори қатламнинг зичлик даражасига, қўлланиладиган агротехник тадбирларнинг сифатига боғлиқ бўлади.

## **ТУПРОҚНИНГ НАМ СИҒИМЛАРИ.**

Тупроқ қатламлари орасида ушланиб қолган сув миқдорига ***тупроқнинг нам сигими дейилади***. Тупроқ ушлаб қолган сув миқдори ва ҳолатига кўра нам сиғими ***тўлик, капилляр ва максимал молекуляр*** бўлади.

Тупроқдаги ҳамма бўшликлар сув билан тамомила тўйинган намликка ***тўлик нам сигими*** дейилади. Тупроқнинг фақат капилляр бўшликлари сув билан ишғол бўлса, ***капилляр нам сигими ёки нисбий нам сигим*** дейилади. Капилляр сув ўсимликни сув ва озиқ моддалар билан таъминлашда асосий манба ҳисобланади. Тупроқ қатламида фақат парда сув бўлса, ***максимал молекуляр нам сигими*** дейилади. Тупроқ нам сиғимининг меъёри унинг механик ва органик таркибига, донадорлигига боғлиқ. Сергумус, соз ва донадор тупроқларда нам сиғим катта, қумлоқ ва оз гумусли тупроқларда кичик бўлади

# **ТУПРОҚНИНГ СУВ ЎТКАЗУВЧАНИЛИГИ**

*Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги* деганда, қатламнинг устки қисмидан пастки қисмига маълум микдордаги сувни ўтказиши хусусияти тушунилади. Тупроқнинг капиллярлик ёки сув кўтариши қобилияти — капилляр йўллар орқали сувни пастки қатламдан юқорига кўтарилишидир. Сувнинг капилляр орқали юқорига кўтарилиш тезлиги ва баландлиги тупроқнинг механик таркибига, донадорлигига ва қатлам зичлигига боғлиқ бўлади. *Тупроқнинг гигроскопиклиги* деганда унинг ҳаводаги сув буғларини сингдириб олиш хусусияти тушунилади. Тупроқнинг гигроскопиклиги гумус, лойқа ва коллоид заррачаларининг микдори ва хусусиятларига боғлиқ бўлади. Табий шароитда атмосферадан тушадиган қор ва ёмғир сувлари, қатламлар орасидаги сув буғларининг куюкланиши натижасида пайдо бўлган сувлар, суғориш сувларининг бир қисми тупроқка шимилади, қолган қисми ҳудуднинг нишаб томонига қараб оқиб кетади.

# **ТУПРОҚНИНГ НАМЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИ**

Маълум вактда тупроқ маркибидаги намликнинг ўзгариши **тупроқнинг сув тартиби** дейилади. Тупроқнинг сув тартиби унинг намланиш коэффициенти орқали изоҳланади. **Тупроқнинг намланиш коэффициенти** деганда маълум вакт ичida мазкур майдонга келаётган сув миқдорининг (қор, ёмғир) шу майдондан буғланиш ва транспирацияга сарфланаётган сув миқдорига бўлган нисбати тушиунилади. Тупроқнинг намланиш коэффициенти қуйидаги формула асосида аниқланади:  $K=P/E$  бунда: Р – ўртacha йиллик ёғин миқдори, мм; Е – ўртacha йиллик умумий буғланишга сарфланадиган сув миқдори, мм.

# *МАВЗУ БҮЙИЧА НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ*

1. Тупроқ морфологияси деганда нима тушуnilади?
2. Тупроқ морфологиясига унинг қандай күрсатгичлари киради?
3. Тупроқ донадорлиги деганда нима тушуnilади?
4. Тупроқнинг механик таркиби нима?
5. Тупроқда сув қандай ҳолатларда бўлади?
6. Буғсимон ва гигроскопик сув нима?
7. Капилляр ва гравитацион сув нима?
8. Тупроқнинг нам сифими нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
9. Тупроқнинг тўлиқ нам сифими нима?
10. Тупроқнинг капилляр нам сифими ёки нисбий нам сифими нима?
11. Тупроқнинг максимал молекуляр нам сифими нима?
12. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги нима?
13. Тупроқнинг гигроскопикилиги нима?
14. Тупроқнинг сув тартиби деганда нима тушуnilади?
15. Тупроқнинг намланиш коэффициенти нима?

*ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАХМАТ*